

1. Қарз олувчининг қискача тавсифи.
2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.
3. Бозор холатининг тахлили.
4. Ишлаб чиқариш режаси.
5. Ташкилий режа.
6. Молиявий режа.

1. ҚАРЗ ОЛУВЧИНИНГ ҚИСКАЧА ТАЪРИФИ.

Урганч шаҳридаги “_____” хусусий корхонаси Урганч шаҳар Хоқимининг 20__ йил _____ № _____ – сонли қарори билан рўйхатдан ўтказилган.

Корхона ўзининг тасдиқланган Низоми асосида қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- *Минерал сувлар ва яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ва сотиш;*
- *Макарон, нон, кандитер, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;*
- *Озиқ овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари билан чакана савдо хизмати кўрсатиш;*
- *Мебель ишлаб чиқариш цехларини ташкил қилиш;*
- *Аҳолига пуллик маиший ва маданий хизмат кўрсатиш;*

Корхона раҳбари _____

Паспорт серияси: _____ йилда Урганч шаҳар ИИБ томонидан берилган.

Корхона манзилгоҳи: Урганч шаҳри.

Банк реквизитлари:

Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги “_____” хусусий корхонаси ҳисоб рақами «ЎзСаноатҚурилишБанк» Урганч шаҳар бўлимида очилган

Ҳисоб рақами : _____ -

ИНН : _____

МФО : _____

2. Лойиханинг асосий мақсади ва йўналиши.

Корхона белгиланган фаолият турига асосланиб, маҳсулотлар савдоси, аҳоли кундалик эҳтиёжлари учун зарур бўлган Салқин ичимликлар ишлаб чиқариб халқимизга арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш ҳамда 10 нафар кишини иш билан таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ишни амалга ошириш учун йилига 14 фоиз бўлган 50000,0 минг.сўм пул маблағини кредитга олиб ўзига тегишли бўлган бинода иш бошламоқчи.

Бу мақсадни амалга ошириш учун 55000,0 минг сўм атрофида маблағ сарфланиши кўзланмоқда. Лекин корхона ўзининг ҳозирги кундаги имкониятидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан яратилаётган шароитлардан келиб чиқиб, йилига 14 фоизли ставка бўйича 50000,0 минг сўм миқдоридagi кредит маблағини 3 йил муддатга олиш зарур деб ҳисобламоқда.

Корхона кредит маблағини олгандан кейин бинони ишлаб чиқаришга мослаштириб реконструкция қилишга киришади ҳамда зарур асбоб-ускуналар ва мосламаларни сотиб олади.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун сарф харажатлар корхона ҳисобидан амалга оширилади.

3. Бозор ҳолатининг таҳлили

Корхона томонидан ташкил этилаётган фаолияти орқали аҳолига етказиб бериладиган маҳсулотларга ҳозирги кунда талаб жуда катта, чунки бу етиштириладиган маҳсулотлар асосан аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун ҳамда оилада ўтказиладиган хар хил тадбирлар, тўй-маракаларда ишлатилади. Бундан ташқари мактаб, ўқув муассасаларига ҳамда боғча-ясилларга ҳам шартнома асосида маҳсулот топшириш имконияти мавжуд.

Шу билан бирга ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархи бозор нархидан 10-15 % арзонлиги ҳамда сифатлилиги билан ҳам аҳолига енгиллик яратади.

4. Ишлаб чиқариш режаси.

Олинган кредит маблағи ҳисобига ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олишни режалаштирган. Демак, корхона ушбу кўзланган мақсадни амалга оширишни кредит маблағини олгандан кейин йўлга қўяди.

Кредит маблағини лойиха бўйича сарфланиши йўналишлари:

№	Олинган маблағни сарфланиш йўналишлари	Сони	Баҳоси, минг сум	Сумма, минг сум
1.	Линия розлива воды	1	35000,0	35000,0
2.	Фильтр Электродиализные опреснительная установка	1	15000,0	15000,0
3.	Кредит маблағининг умумий миқдори			50000,0
4.	Лойихада тадбиркорнинг янгидан кушадиган улуши			5000,0
	Лойиханинг умумий баҳоси:			55000,0

ИЗОХ: Ишлаб чиқариш учун кетадиган хом ашё маҳсулотларини сотиб олиш ва бошқа харажатларни ўз ҳисобидан амалга оширилади.

5. Ташкилий режа.

Корхона банкдан олинган кредит маблағи ва унинг устама фоизларини ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан тушган фойда ҳисобидан қайтаришни кўзда тутган.

Корхонада шу давргача 2 та ишчи-хизматчи ишлаб келмоқда. Булар бошлиқ ва бош ҳисобчи (улар корхонанинг бошқа даромадлари ҳисобига иш хақи олишади). Корхона ўз олдида қўйган мақсади - лойихани амалга оширса, корхонада қўшимча 10 та ишчи ўрни яратилади.

Иш хақи фонди.

№		Ишчи урни	(минг сумда)	
			1 ойда	1 йилда
Бошқарув аппарати ходимлари				
1	Раҳбар	1	50,0	600,0
2	Ҳисобчи	1	40,0	480,0
	Жами иш хақи	2	90,0	1080,0
3	Иш хақи жамгармасидан 24% ажратма		21,6	259,2
-	Иш хақи учун жами харажат		111,6	1339,2
Салқин ичимликлар ишлаб чиқариш линияси ишчи ходимлари				
6	Ишчи ходимлар	10	300,0	3600,0
7	Иш хақидан ажратма 24%		72,0	864,0
-	Иш хақи учун жами харажат		372,0	4464,0
	Жами иш хақи учун харажати		483,6	5803,2

6. Молиявий режа.

Корхона фаолияти давомида ишлаб чиқариб сотилган маҳсулотлардан тушган суммадан барча сарф харажатлар ва мажбурий тўловларни чегирганда қолган қисми унинг даромади хисобланади.

Ишлаб чиқарилиб сотилган маҳсулотлар таннархи унга сарфланган хом-ашё, ишчи-хизматчилар маоши, амортизация, электр энергия, газ сарфи ва бошқа кутилмаган сарф харажатлардан шаклланади.

Ишлаб чиқариш режаси.

Хозирги кунда Урганч шаҳридаги “_____” хусусий корхонасида мавжуд маблағни ишлаб чиқаришга мослаштириш мақсадида ушбу бинони реконструкция қилиб, қайта таъмирлаш мақсад қилиб қўйилган. Бу мақсад корхона хисобидан амалга оширилади. Корхона ўзининг имкониятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш хажмини қуйидагича белгилайди:

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХАЖМИ (миқдор ҳисобида)

№	Лойиха мақсади	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 Ойда*
1	Салқин ичимликлар ишлаб чиқариш	дона	3000	72000

* Корхона хар ойда 24 кун аҳолига хизмат кўрсатади.

1000 ТА САЛҚИН ИЧИМЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЧУН КЕТАДИГАН ХОМ АШЁ ХАРАЖАТЛАРИ

№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Суммаси	Умумий суммаси
1	Сув	тон.	1,5	150	225
2	Кансентрант	-	-	-	1000
3	Капсула	дона	1000	70	70 000
4	Кришка	дона	1000	7	7 000
5	Этикетка	дона	1000	7	7 000
	Жами харажат				85 225

Жами 1000 та Салқин ичимлик ишлаб чиқариш учун 85 225 сўм сарф харажат кетадиган бўлса.., **85225 : 1000 = 85,225 сўм**

1 та Салқин ичимлик ишлаб чиқаришга 85,225 сўмлик сарф харажат кетади.

АМОРТИЗАЦИЯ

Кредит хисобига 50 000 000 сўмлик Фильтр ва Сув куйиш линиялари сотиб олингандан кейин амортизация қуйидагича бўлади.

$50\,000\,000 : 5 = 10\,000\,000$ сўмни ташкил қилади 1 йилига.

(сўмда)					
№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Амортизация	Сўм	34 722,2	833 333,3	10 000 000

Шунингдек, ишлаб чиқариш учқуналарини сақлаш, мойлаш, техник хизмат кўрсатиш, биноларни иситиш, ёритиш харажатлари ўзгармас харажатлар бўлиб, хисоблагич ва белгиланган нормативлар асосида хисобланади. Бу харажатлар йилига 5 000 000 сўмни ташкил қилади.

Бошқа харажатлар Салқин ичимликлар ишлаб чиқариш учун.

(сўмда)					
№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқа харажатлар	сўм	17 361,1	416 666,7	5 000 000

Бошқарув харажатлари

Бошқарув харажатлари 1 йилига 1 339 200 сўмни ташкил қилади.

(сўмда)					
№	Харажат номи	Ўлчов бирлиги	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Бошқарув харажатлар	сўм	4 650	111 600	1 339 200

1 та Салқин ичимлик ишлаб чиқариш таннари:

№	Харажатлар	Ўлчов бирлиги	Ишлаб чиқариш бирлиги	1 кунда (сўмда)	1 ойда (минг сўмда)	1 йилда (минг сўмда)
1	Хом ашё	сўм	85,23	255 675	6136,2	73634,4
2	Амортизация	сўм	11,57	34 722,2	833,3	9999,6
3	Иш хақи	сўм	4,17	12 500	300,0	3600,0
4	Иш хақидан ажратма 24 %	сўм	1,00	3000	72,0	864,0
5	Бошқа харажатлар	сўм	5,79	17 361,1	416,7	5000,4
6	Бошқарув харажатлари	сўм	1,55	4650	111,6	1339,2
7	Умумий харажат		109,30	327908,3	7869,8	94437,6
8	Сотиш бахоси		150	450000	10800,0	129600,0
9	Фойда		40,70	122091,7	2930,2	35162,4

**Корхонанинг 50000,0 минг сўм кредит маблағидан
3 йил муддатга фойдаланишининг молиявий натижаси**

(минг сўмда)

№	Кўрсаткичлар	1 йилда	2 йилда	3 йилда	Жами
1	Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи	94 437,6	94 437,6	94 437,6	283 312,8
2	Маҳсулот сотишдан тушум	129 600,0	129 600,0	129 600,0	388 800
3	Ялпи даромад	35 162,4	35 162,4	35 162,4	105 487,2
4	Ялпи даромаддан 10 %	3 516,24	3 516,24	3 516,24	10 548,72
5	Кредитни фоиз қайтарилиши	7 000,0	4 900,0	2 800,0	14 700,0
6	Кредитни қайтарилиши	15 000,0	15 000,0	20 000,0	50 000,0
9	Соф фойда	9 646,16	11 746,16	8 846,16	30 238,5

Шундай қилиб, Устама хақи йилига 14 % бўлган 50000,0 минг сўм кредит маблағидан 3 йил муддатга фойдаланиш натижасида корхонага 30238,5 минг сўм соф фойда олиб келади. Бу маблағдан корхонанинг кейинги фаолиятини ривожлантириш учун фойдаланилади.